

## ЛОЙИХА СИФАТИ – ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Буриев Х. Т**

СамДАҚУ “Бизнесни бошқарыш” кафедраси профессори в.б., и.ф.н.

**Пулатов Ш. А, Тошимов А. Х**

СамДАҚУ докторантлари

---

### ARTICLE INFO.

---

**Калитли сўзлар:** Лойиҳалаш жараёни, сифатни бошқариш, сифат менежменти тизими, эксперт сўрови.

### Аннотация

Инвестицион-курилиш занжирида лойиҳалаш жараёни алоҳида ўрин эгаллаши биринчи навбатда курилиш маҳсулот сифатини шакллантиришдаги тутган ўрин билан изоҳланади. Шу билан бирга ушбу жараёнда сифатни бошқариш ўзига хос кийинчиликларга дуч келади. Шку сабабли, тадқиқотнинг сифат усуllibаридан фойдаланиш муаммо ечимини топишнинг мақбул йўли бўлиб хизмат қиласди. Мазкур мақолада эксперт сўрови усули ёрдамида лойиҳалаш жараёнда сифатни тадқиқ қилиш тажрибаси келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2024 LWAB.

---

**Кириши.** Бугунги кунда қурилиш саноати мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг асосий драйвери ҳисобланади. Ушбу соҳада соғлом рақобатнинг шаклланиши, уни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат даражасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда [1,2,3]. Инвестицион-қурилиш занжири қурилиш тармоғининг таянч бўғини ҳисобланиб, унинг самарадорлиги қўп жихатдан ушбу занжир иштирокчиларининг ўзаро мувофиқлаштирилишига боғлиқ. Айниқса, якуний маҳсулот бўлмиш тугалланган бино ва иншоотларнинг сифати барча иштирокчиларнинг харакатлари маҳсали ҳисобланади.

Қурилиш маҳсулотининг ўзига хослиги унда сифатни шаклланиш жараёнига катта таъсир қиласди. ИСО-9000 ҳалқаро стандартларида кўрсатилган “сифат ҳалқаси” босқичлари қурилиш жараёнларига тўлалигича мос келмайди. Умуман олганда, қурилиш сифатига “ҳалқа” (петля) иборасини қўллаш ҳам ҳақиқатдан йироқ тушунча. Шу сабабли олимлар томонидан қурилишда сифатни шаклланиш занжирли жараён қўринишида бўлишига тўхталган ва мос равишда бешта босқични ўз ичига олади (1-расм).



**1-расм. Қурилиш маҳсулоти сифатини шакллантириш схемаси**

Давлат стандартлари, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари, қурилиш регламентлари каби меъёрий ҳужжатларда бино ва иншоотларга қўйиладиган мажбурий талаблар киритилади ҳамда улар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини акс эттирувчи ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларга риоя қилиниши объектнинг юкори сифатли бўлишига (буортмачи эҳтиёжларнинг қондирилишга) асос бўлади.

Лойиҳалаш бўғини қурилиш маҳсулоти сифатини шаклланишида асосий ўрин эгаллайди, чунки унинг асосий натижаси – бу бино ва иншоотнинг жисмоний абстракт модели бўлади. Кўриниб турибдик, қурилиш маҳсулоти сифати бўйича энг катта масъулият лойиҳалаш бўғинига юклатилади.

Қурилиш ишлари бўғинининг ўрни лойиҳада яратилган сифатни хақиқий объектга ўтказиш. Қурилиш бўғинининг асосий вазифаси – лойиҳадаги ечимларни худди шундай ҳолатда ижро қилиш.

Фойдаланиш бўғини кўпинча инвестицион-қурилиш занжирида иштирок этмайди, яъни ундан кейинги даврни бошлаб беради. Кўпчилик олимлар ушбу бўғинни фойдаланишнинг кафолат даври ёки тўлиқ кувватга эришиш даври билан чеклайдилар. Қурилиш маҳсулотидан фойдаланишда лойиҳада яратилган ва қурилишда эришилган сифатнинг намоён бўлиши ва эҳтиёжларнинг қондирилишига эътибор қаратилади. Ушбу бўғинининг асосий вазифаси – бинодан фойдаланиш технологиясига ва қоидаларига риоя қилиш.

Ўз навбатида, лойиҳа сифати қурилиш маҳсулотининг сифат даражасини белгиловчи асосий омиллардан бўлиб, асосан лойиҳаолди қидирувлари, мухандислик-қидирувлари ва лойиҳани ишлаб чиқиши жараёнларида шаклланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан сифат менежмент тизимининг корхона ва ташкилотларда тадбиқ этилишига боғлиқ. Замонавий сифат менежмент тизимининг назарий асослари билан дунёнинг бир қатор олимлари илмий изланишлар олиб борганлар, булар: У.Е.Деминг, Д.Джуран, Ф.Кросби, К.Исикава, Й.Кано, Е.Кондо, Т.Конти, К.М.Мескон, Г.Тагути, А.Файол, А.Фейгенбаум, Дж. Харингтон, У.А.Шухарт, Я.Монден ва бошқалар [7,8,10,11,13,15].

Қурилиш саноатида сифатни бошқариш соҳасида қўйидаги олимларнинг илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар, булар: А.Шрейбер, Ю.Монфред, И.Лукманова, М.Бабарин, В.Бузырев, А.Байбурин, Н.Верстина. Республикаизда қурилиш маҳсулоти сифатини ошириш масаласи М.Зияев, А.Джабриев, Р.Нуримбетов, А.Суюнов, И.Усманов ҳамда ушбу мақола муаллифининг илмий ишларида ўз аксини топган [4,5,6,9,12,14].

**Тадқиқот методологияси.** Лойиҳа ташкилотларида халқаро сифат стандартларига асосланган концепциясини жорий қилиш минтақавий қурилиш комплексида ягона сифатни бошқаришнинг

интеграллашган тизимини яратиша мухим ўрин эгаллади.

Лойиха-қидирув жараёнида сифатни шаклланиш хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Лойиха-қидирув жараёнига нисбатан қисқа вақт ажратилиши. Буюртмачи учун қурилиш учун ер ажратилиши биланоқ инвестицияларни ўзлаштириш даври бошланади, унинг муддати эса инвестиция жараёнининг самарадорлигини белгилайди. Шу муносабат билан қурилиш лойихасини тезкор тайёрлаш ва пурратчига топшириш зарурати туғилади. Бу ҳолатда буюртмачи олдида иккита мазмунан қарама-қарши вазифа вужудга келади: бир томондан бўлажак обьектнинг қурилиш лойихаси мукаммаллигини таъминлаш, иккинчи томондан эса лойихани тезроқ қўлга киритиш ва пурратчига етказиш. Ушбу хусусият лойихалаш ташкилотини олдига жадал ҳаракат қилиш вазифасини қўяди. Аксарият лойихалаш жараёнлари вақт етишмаслиги шароитида бажарилишини амалиёт кўрсатиб келмоқда;

Лойиха-қидирув жараёнининг комплекслиги. Мазкур жараён бир қанча ўзаро интеграциялашган босқичлардан иборат бўлиб, назарий жиҳатдан уларнинг оптималь кетма-кетлигини белгилашнинг имкони йўқ, чунки барча босқичлар ўзаро боғлиқ бўлади. Шунинг учун лойиха ташкилотларида битта обьект устида ишлаш учун бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишдаги мутахассислар жалб қилинади;

Лойиха сифатини шаклланишида инсон омилининг катта таъсири. Мутахассисларнинг малакаси, касбий компетентлиги ва тажрибаси кўп жиҳатдан лойихалаш жараёнининг самарадорлигини белгилаб беради;

Лойихалаш жараёнида шаҳарсозлик кенгаши, буюртмачи ва манфаатли ташкилотлар томонидан қўйиладиган талабларни бажариш шарти меъморий-конструктив ечимларда ва лойиха қисмларни бажаришда такрорланиш ва тузатишларга олиб келади.

Юқоридаги ўзига хос жиҳатлар лойиха-қидирув жараёнларининг сифатини бошқариш тизимида катта таъсир кўрсатади. Объектив сабабларга кўра қурилиш лойихасининг сифатини таъминлаш ҳар бир чизма ва ҳисобнинг бир неча бор текширишга асосланган тизимнинг шаклланишига олиб келади.

**Мұхокама.** Лойихалашнинг анъанавий ишлаб чиқариш жараёнидан асосий фарқи шундаки, бошқарув тузилмаси ходимларнинг аксарият вақти бажарилган лойихаларнинг ўзаро текшириш ва тўғрилигини тасдиқлашга кетади, яъни лойиха қисмининг обьектнинг меъморий концепциясига мос келиши, ШНҚ талабларининг бажарилиши, техник тартибга риоя қилиниши, чизмаларнинг тўлиқлиги ва расмийлаштирилиш ҳолати ва ҳоказолар киради.

Ушбу тизимнинг мавжудлиги тайёр лойихада камчиликлар ва нуқсонларнинг олдини олишга хизмат қиласи. Айнан шу хусусиятлар лойиха-қидирув жараёнининг сифатини тадқиқ қилишда миқдорий усуллардан фойданиш имкониятларини чеклаб қўяди. Шу сабабли бизлар илмий изланишимизда лойихалаш сифатини баҳолашда экспертлар сўрови усулидан фойдаланишни мақсад қилдик.

Эксперт сўровининг ўтказилиши имкониятини баҳолашнинг биринчи вазифаси юқори малакали соҳа мутахассисларнинг мавжудлигидир. Одатда уларга қуйидаги талаблар қўйилади: ўрганиладиган соҳада компетентлиги, мутахассис сифатида иш тажрибаси, эгалла бурганинг турган лавозими, мустақил ва кенг фикрлаш, илмий ёндашиш ва шулар билан бирга эксперт муаммони ечишга манфаатдорлигини кўрсатиши лозим.

Иккинчи мухим вазифа экспертлар гурухини танлаш ва шакллантириш. Экспертлар сони кам бўлса ҳар бир алохида экспертнинг ортиқча таъсири кучаяди ва натижанинг холислигига салбий таъсир кўрсатади, аксинча экспертлар сони кўп бўлса ягона тўғри хуносага келиш қийин ҳамда экспертларнинг ўзаро мувофиқлик даражаси камайиши мумкин.

Экспертларга лойиҳалашни амалга ошириш жараёнида айрим нуқсонларнинг кузатилиши ва уларнинг тақорланиши бўйича саволлар берилди. Нуқсонлар ва камчиликлар 12 асосий турга ажратилган ҳолда таклиф қилинди.

Экспертларнинг фикрларини ўрганиш натижаларидан қуйидагиларни ажратиб қўрсатиш мумкин.

Сўровнинг биринчи вазифаси, яъни лойиҳалаш жараёнида ижрочилар томонидан йўл қўйилган ва тегишли тартибда тузатиб келинган нуқсонларнинг тақорланиши тўғрисида эксперталарнинг фикрлари асосида қуйидаги хуносага келишимиз мумкин.

Хато ва камчиликларнинг тақорланиши бўйича эксперталарнинг фикрига кўра энг кўп кузатиладиган хатоларга сметани ишлаб чиқиши босқичида, лойиҳанинг меъморий ечимларини яратганда ва чизмаларни расмийлаштирганда кузатилади (иш жараёнининг тахминан 12-14% ҳолатларда). ШНҚ талабларини бажариш ва ҳисоб-конструкторлик босқичларда ходимларнинг хато қилиш ҳолатлари нисбатан камроқ бўлиб, 8-10% ҳолатларда кузатилади. Хатоларнинг алоҳида турлари бўйича эксперталар қурилиш ишлари ҳажмларини ҳисоблашда, смета тузишда, чизмаларда айрим элементларнинг акс эттирилмаганлиги, ўлчамлар, шартли белгилар, ёзувлар ва бошқалар техник хатоларнинг нисбатан кўп тақорланишига эътиборни қаратганлар.

Сўровнинг иккинчи вазифаси, яъни тайёр лойиҳа бўйича экспертиза хуносаларида камчиликларнинг тақорланишини бўйича эксперталарнинг фикрларидан қуйидаги хуносаларга келиш мумкин:

Эксперталарнинг тажрибасига асосланадиган бўлсак, хатолар қўрсатилмаган экспертиза хуносалари амалда учрамайди. Лойиҳалар бўйича хуносаларда учрайдиган хатолар тақорланиши ўртacha 6-8%ни ташкил қиласди, фақат кичик техник хатолар, яъни ўлчамлар, шартли белгилар, ёзувлар ва бошқалар бўйича хатоларнинг учратилиши 12-15% гача етиши мумкин.

Сўровнинг учинчи вазифасига учрайдиган хатолар ва камчиликларнинг лойиҳанинг рақобатбардошилигига таъсирини ўрганиш киритилган. Бунда эксперталарга лойиҳалаш жараёнида кузатилиши мумкин бўлган камчиликларнинг лойиҳа сифатига, лойиҳалаш муддатига ва унинг харажатларига таъсирини баҳолаш бўйича таклиф киритилган. Ўрганиш натижаси лойиҳалаш жараёнининг сифатига кўплаб омиллар таъсир қилишини қўрсатмоқда. Эксперталарнинг фикрича, лойиҳалашнинг тартиб-тамойилларини тўлиқ бажариш мураккаблиги туфайли лойиҳачи-мутахассислар томонидан уларнинг энг муҳимларига риоя қилинишига олиб келади.

Эксперт сўровининг тўртинчи вазифаси, яъни лойиҳалаш жараёнида ва тайёр лойиҳанинг экспертизадан ўтказишида камчиликларни келтириб чиқарадиган сабабларни тартиблаштиришда эксперталардан ушбу жараёндаги объектив муаммоларни қўрсатиш таклиф қилинган.

Эксперталарнинг кўпчилиги лойиҳа жараёнининг сифатига таъсир қилувчи энг муҳим сабаб лойиҳалаш тартиbidаги муаммолар деб қўрсатмоқда. Катта таъсир қиладиган сабабларга ижрочи ходимларнинг малакасини етишмаслиги, ташкилотда сифатга бўлган умумий эътиборнинг пастлигини қўрсатишган.

**Хуроса.** Эксперт сўровининг якуний босқичида лойиҳа жараёнининг сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини қўрсатиш таклиф қилинган.

Барча эксперталарнинг шахсий фикрларини ўрганиш бугунги кунда лойиҳалаш жараёнини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўллари қўрсатди:

Лойиҳа ташкилотларида сифат менежменти тизимини жорий қилиш. Эксперталар томонидан ушбу йўналиш стратегик йўналиш деб баҳолангандан ва кейинги йўналишлар унинг таркибий

қисми сифатида баҳоланиши мумкин деб ҳисоблаган.

Лойиҳалаш-изланиш жараёнини рақамлаштириш йўналиши қурилишда олиб борилаётган ислоҳотларда катта ўрин эгаллаганлиги ва бирламчи натижалар берадиганлиги учун иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Лойиҳалаш жараёнида сифат назоратини кучайтириш ҳамда лойиҳа ташкилотларида ходимлар мотивациясини кучайтириш ташкилот раҳбарларига бўлган тавсия сифатида берилган бўлиб, ички омилларни ишга тушириш ва сифатни оширишга йўналтиришни кўзда тутади.

Экспертларнинг фикрича, битта ташкилотдаги ҳаракатлар лойиҳалаш-қурилиш иштирокчиларида сифатни яхшиланишига олиб келмайди. Бунинг учун қурилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва янги поғонага кўтариш лозим.

Лойиҳалаш меъёрлари тизимини такомиллаштириш йўналиши эксперталар томонидан истиқболли ва марказлашган ҳолда бажарилиши мумкин бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Умумий ҳолда, ички меъёрларнинг такомиллашуви шахарсозлик меъёрларига нисбатан самаралироқ бўлиши таъкидланган.

Эксперт сўровини ўтказиш лойиҳа-қидирув ташкилотларида сифат менежменти тизимини жорий қилиш ва жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш мумкинлигидан далолат беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони [lex.uz](#).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 ноябрдаги “Курилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизmlарини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-425-сон қарори. [lex.uz](#).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди, давлат харидига доир тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқлар ҳамда шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-332-сон қарори. [lex.uz](#).
4. Бузырев В.В. Управление качеством в строительстве: учебное пособие для прикладного бакалавриата / В. В. Бузырев, М.Н. Юденко; под общей редакцией М. Н. Юденко. — 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2018. – 198 с.
5. Буриев, Х. Т., and И. А. Усманов. "ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН." *Россия: тенденции и перспективы развития* 17-1 (2022): 363-371.
6. Буриев, Х. Т., Усманов И.А. Пути совершенствования организационно-экономического механизма повышения качества строительства: монография 2020. – 202 с.
7. Гличев А. В. Основы управления качеством продукции. - М.: Стандарты и качество, 2001. — 424 с.
8. Деминг Э. Менеджмент нового времени: Простые механизмы, ведущие к росту, инновациям и доминированию на рынке. — М.: Алпина Паблишер, 2019. — 192 с.
9. Джабриев, А. Н. and Х. Т. Буриев. "Пути внедрения систем менеджмента качества." *Экономика и финансы (Узбекистан)* 1-2 (2010): 25-29.

10. Качество в истории цивилизации. Эволюция, тенденции и перспективы управления качеством. Под ред. Дж. Джурана. - В трех томах. - М.: РИА "Стандарты и качество", 2004.
11. Кросби Ф. Б. «Качество без затрат» («Куалити ис Фрее») [Срассбееа, 1979]
12. Леонова Т.И., Бабарин М.С. Фундаментальные категории экономики качества. Журнал правовых и экономических исследований, 2014, 2: 103–108
13. Монден Я. Система менеджмента Тоёты.- Москва, Институт комплексных стратегических исследований, 2007.- 216 с.
14. Суюнов, А. С., and Х. Буриев. "Теоретические и практические аспекты развития системы управления качеством продукции." *Государственное и муниципальное управление: теория, история, практика: материалы III Междунар. очно-заочн. науч.-практ. конф.* Vol. 20. 2012.
15. Фейгенбаум А. Контроль качества продукции. Пер. с англ. - М.: Экономика, 1986. - 471с.